



STATE POLICY ON COMBATING ALCOHOLISM IN UZBEKISTAN AND ITS OUTCOMES

Farrukhjon Islomov
Independent Researcher
E-mail: f.islomov@mail.ru
Science ID: MQD-0726-0449
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: State policy, alcoholism, healthy lifestyle, legal restrictions, prevention, public health, excise policy, Uzbekistan.

Received: 08.08.26

Accepted: 09.08.26

Published: 10.08.26

Abstract: This article analyzes the legal and institutional foundations of the state policy of the Republic of Uzbekistan aimed at combating alcoholism, promoting a healthy lifestyle among the population, and reducing the harmful effects of alcohol, as well as its practical results. Along with the positive indicators achieved in the field of healthcare and public safety as a result of the reforms, the article highlights the current challenges and future tasks to address them.

ЎЗБЕКИСТОНДА АЛКОГОЛИЗМГА ҚАРШИ ҚУРАШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ НАТИЖАСИ

Фаррухжон Исломов
Мустақил изланувчи
f.islomov@mail.ru
Илмий идентификация рақами: MQD-0726-0449
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: давлат сиёсати, алкоголизм, соғлом турмуш тарзи, ҳуқуқий чекловлар, профилактика, жамоат соғлиғи, акциз сиёсати, Ўзбекистон.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида алкоголизмга қарши курашиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва спиртли ичимликларнинг зарарли таъсирини камайтиришга қаратилган давлат сиёсатининг ҳуқуқий-институционал асослари ҳамда уларнинг амалий натижалари таҳлил қилинади. Шунингдек,

мақолада олиб борилаётган ислохотлар натижасида соғлиқни сақлаш ва жамоат хавфсизлиги соҳасида эришилган ижобий кўрсаткичлар билан бир қаторда, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича истиқболдаги вазифалар ёритилган.

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА ПО БОРЬБЕ С АЛКОГОЛИЗМОМ В УЗБЕКИСТАНЕ И ЕЁ РЕЗУЛЬТАТЫ

Фаррухжон Исломов

Независимый исследователь

E-mail: f.islomov@mail.ru

Научный идентификационный номер: MQD-0726-0449

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Государственная политика, алкоголизм, здоровый образ жизни, правовые ограничения, профилактика, общественное здоровье, акцизная политика, Узбекистан.

Аннотация: В данной статье анализируются правовые и институциональные основы государственной политики Республики Узбекистан по борьбе с алкоголизмом, продвижению здорового образа жизни среди населения и снижению вредного воздействия алкоголя, а также их практические результаты. Также в статье наряду с позитивными показателями, достигнутыми в сфере здравоохранения и общественной безопасности в результате реформ, освещаются существующие проблемы и перспективные задачи по их устранению.

Кириш. Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш учун кураш ҳозирги вақтда муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий вазифа бўлиб қолди. Чунки аҳолининг соғлиғига, иқтисодиётига, оилага ва умуман жамиятга жуда катта зарар келтираётган асосий иллатлардан биридир. “Бугун биз қисқа муддат ичида танланган мақсадимиз йўлида анча ишлар қилишга муваффақ бўлганимиздан қониқибгина қолмаймиз. Ҳали яна узоқ вақт мобайнида устувор бўлиб қоладиган муаммоларни аниқ тасаввур этишни ўрганиш лозим”[1]. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда мана шу иллатга қарши кураш бўйича бир қатор амалий чоралар кўрила бошланди.

“Ўзбекистон фуқаролари соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва уни мустаҳкамлашнинг асосий йўли-профилактик чора-

тадбирларга ва халқнинг тиббий саводхонлигини оширишга эътибор кучайтирилди. Тиббиёт соҳасидаги йирик олимларнинг таъкидлашича, деярли барча мамлакатлар асримизнинг 60 йилларига келиб аҳоли саломатлиги кўрсаткичи даражаларида салбий томондан қараб айрим силжишлар кузатила бошланди. Бу тиббиётда мавжуд бўлган экстенсив даволаниш ўзининг даври ва иқтисодий заминини ўтаб бўлганлигидан дарак берар эди. Мавжуд аҳволдан чиқиш учун янги ғоялар, концепциялар пайдо бўла бошлади ва шундан ҳозирги аксарият ривожланган мамлакатлардаги соғлиқни сақлаш тизими асос бўлган иккита йўналишга пойдевор яратилди. Уларнинг биринчиси аҳоли саломатлиги нафақат соғлиқни сақлаш тизимидан, балки инсон турмуш тарзи ва яшаш шароити, жамиятдаги муносабатлар ҳамда атроф-муҳитнинг ҳолати билан боғлиқлигини эътироф қилиш, кейинроқ бу концепция ривожланиб инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалликларни олдини олиш стратегиясига айланди ҳамда кўп мамлакатларда жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Саломатлик барча учун” шиори кўринишида ҳаётга тадбиқ этила бошланди. Иккинчиси эса, соғлиқни сақлаш хизмати самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, бу мавжуд тизимни экстенсив ривожланишдан интенсив ривожланишга ўтишини тақозо қилади.

Асосий қисм. Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳар қандай давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида (XX асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмида) Ўзбекистонда ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва токсикомания каби иллатларга қарши курашиш, уларнинг ижтимоий ва криминоген оқибатларини камайтириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолган эди. 1998 йилнинг биринчи ярмидаги статистик кўрсаткичлар жамоат жойларида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий таркиби ранг-баранг бўлганини кўрсатади. Маълумотларга кўра, ушбу даврда жами 123 329 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Ҳисобот даврида 44 717 нафар шахс тиббий хушёрхоналарга жойлаштирилган бўлиб, уларнинг 612 нафарини турли даражадаги раҳбар ходимлар, 947 нафарини эса аёллар ташкил этгани диққатга сазовордир. Шунингдек, автотранспорт воситаларини маст ҳолатда бошқариш муаммоси ҳам долзарб бўлган. Жами 38 924 нафар ҳайдовчи маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 4 338 нафари транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган, 23 161 нафарига эса жарима санкциялари қўлланилган. Мастлик оқибатида содир этилган жиноятлар республика миқёсида 1997 йилга нисбатан 2,7 фоизга камайиб, 6 056 тани ташкил этган бўлса-да, айрим ҳудудларда вазият жиддийлигича қолган. Хусусан, маст ҳолатда жиноят содир этиш кўрсаткичи

Қашқадарё вилоятида 74 фоизга, Тошкент шаҳрида 8,4 фоизга ва Сурхондарё вилоятида 5,1 фоизга ошган.

1999 йилда прокуратура органлари томонидан ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва токсикоманияга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан умумий назорат тартибида 205 маротаба текширув ўтказилган. Ушбу текширишлар натижасида қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида қуйидаги прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Шундан, протестлар: 44 та (барчаси қаноатлантирилган), тақдимномалар: 194 та, амрномалар: 25 та, огоҳномалар: 112 тани ташкил этди. Ушбу чора-тадбирлар натижасида 159 нафар шахс интизомий, 202 нафари маъмурий ва 3 нафари моддий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, давлат ва жамият манфаатларига етказилган зарарни ундириш бўйича прокурорлар томонидан 102 минг сўмлик даъво аризалари киритилган, 86 минг сўмлик зарар эса ихтиёрий равишда қопланган.

Вояга етмаганлар ўртасидаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида прокуратура томонидан 50 та текширув ўтказилган. Статистик маълумотларга кўра, ўша йили вояга етмаганларнинг гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласига аралашиб қолгани бўйича жами 61 та ҳолат қайд этилиб, 49 нафар ўсмир содир этган 44 та жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилган.

XX асрнинг охирида Ўзбекистон ИИБ ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий хушёрхоналар фаолиятини тартибга солувчи қўшма буйруқлари (1994 йилдаги №326/599 ва №600/327) мавжуд бўлишига қарамай, соҳада эскирган норматив базадан (собик Иттифоқ ИИБнинг 1985 йилдаги 106-сонли буйруғи) фойдаланиб келинган. Бу эса амалиётда қатор ҳуқуқий бўшлиқлар ва қонунбузилишларни келтириб чиқарган. Кўча ва жамоат жойларидан ташқари, фуқароларни ўз уйидан асоссиз равишда тиббий хушёрхоналарга олиб келиш ва куч ишлатиш ҳолатлари учраб турган. Масалан, Навоий шаҳри (Г.Агафонов иши) ва Тошкент шаҳри Миробод тумани (У.Холиқов иши) ИИБ ходимларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида фуқароларга тан жароҳати етказилган ва уларга нисбатан жиноят ишлари кўзғатилган. Хушёрхонага келтирилган шахсларнинг буюмлари ва маблағларини рўйхатга олиш ҳамда қайтаришда камчиликлар мавжуд бўлган (Зарафшон шаҳар И Бда фуқаро И.Ёдгоровнинг 12 553 сўм маблағи қайд этилмагани мисолида).

Наркологик диспансерлар ва ИИБнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати ўртасида маълумот алмашинуви тизимли йўлга қўйилмаган. Самарқанд вилояти мисолида олинганда, 1999 йил 1 апрель ҳолатига наркодиспансерда 9 461 нафар сурункали

алкоголизм билан оғриган шахс ҳисобда турган бўлса, ИИБ органлари уларнинг фақат 2 039 нафарини (тахминан 21,5 фоизини) профилактик ҳисобга олган, холос.

Дунёнинг барча ривожланган ва ривожланаётган давлатлар қатори Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётига ва аҳолининг саломатлигига жиддий хавф солаётган асосий омиллардан бири – бу мамлакатга ноқонуний йўллар билан сифатсиз товар-моддий бойликларини олиб кирилишидир. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йилда 589 сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида Йўриқномаси тасдиқланиб, ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида" 1996 йил 14 августдаги 285-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва акциз маркаларини бериш, қайд этиш, сақлаш ва қайтариш, шунингдек Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган, акциз маркалари билан мажбурий маркаланиши лозим бўлган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг акциз маркалари билан маркаланиши устидан назорат ўрнатиш тартибини белгилади[2].

Алкоголли маҳсулотларга янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 11 февралдаги 31, 2004-22, 03-02/8-14-сонли қўшма қарори, 2004 йил 03 мартда Адлия вазирлиги томонидан 1320 қарори билан рўйхатдан ўтган "Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида"ги Низоми тасдиқланди. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 ноябрдаги "Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-505-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 февралдаги "Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тўғрисида" 49-сон қарорига мувофиқ алкогольли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартибини белгиланди[3].

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензия берувчи органи томонидан 2003 – 2009 йилгача 1807 та юридик шахсга гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ фаолият билан шуғулланиш учун лицензиялар берилди. Шундан 1252 таси соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари, 555 та соғлиқни сақлаш тизимидан ташқари бўлган, юридик мақомга эга бўлган корхоналар эди[4].

Алкоголизмга қарши кураш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. XIX асрга келиб аҳоли фаровонлигининг ошиши билан алкоголизм ҳам ошади деб ҳисобланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дунёда алкоголизм билан касалланиш мунтазам кўпайиб бориши айтиб ўтилди. Масалан, 2000- йилда дунёда 140 миллионга яқин одам алкоголизмга чалинган бўлса, 2010-йилда бу кўрсаткич 208 миллионга яқин кишига етди. Кейинги йилларда ҳам алкоголь маҳсулотларнинг ноқонуний айланишига доир бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилиб борилди. Акциз солиғига тортиладиган айрим турдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ҳаракати устидан тегишли божхона назоратини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилдаги ПҚ-703қарорига мувофиқ 2007 йилнинг 10 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали алкогольли ва тамаки маҳсулотларининг автомобиль ва темир йўл транспорти воситасидаги транзит ҳаракати қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсатига биноан амалга оширилади: юк олиб ўтувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг депозит ҳисобварағига тегишли божхона тўловларининг барча суммаси тўланиши шарт, кейинчалик товарлар Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетилганлиги тасдиқлангандан сўнг тўланган суммалар қайтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сон қарорининг 2-илоvasида алкогольли маҳсулотларни сотиш тақиқланадиган шартлар ҳақида қуйидагилар берилди. Алкоголли ичимликларни: 18 ёшга тўлмаган шахсларга, мувофиқлик сертификатисиз, яроқлилик муддати ўтиб кетган ҳолда; акциз маркалари билан маркаланмаган ёки қалбаки акциз маркалари билан маркаланган ҳолда; ишлаб чиқарган корхонани аниқлаш имконини берадиган даражада аниқ маркаланмаган ҳолда; уни ишлаб чиқаришга лицензияси бўлмаган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиси томонидан ишлаб чиқарилганда; алкогольли маҳсулотни етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки божхона орқали тартибга солиш, қоидаларни, савдо белгиларидан ва фирма номларидан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган қоидаларни, бошқа нормативҳуқуқий ҳужжатларни бузган ҳолда уни амалга оширган етказиб берувчидан сотиб олинганда; санитария нормаларига ва алкогольли маҳсулотларни сақлаш ва сотиш қоидаларига мувофиқ бўлмаган хона ва жойларда; ўқув, мактабгача ва диний муассасалардан камида 500 метр доирасида жойлашган савдо корхоналарида; жамоат транспорти тўхташ жойларида қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам чакана нархдан паст сотиш тақиқланди.

2012 йилда Ўзбекистоннинг ички бозорларига кўплаб хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган минглаб турдаги товарлар импорт қилинди. Ички бозорлардаги барча товарларнинг сифати кафолатланганлиги тўғрисида сертификатга эга, деб хулоса қилиб ҳам бўлмайди. Товар ва хизматларнинг сифатини кафолатлаш – энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра импорт қилинаётган товарларнинг 8-10 фоизи давлат синов лабораторияларининг натижаларига кўра давлат стандарти ва санитария талабларига мос келмаслиги аниқланган. Ўзбекистон бозорларида ҳам қалбаки спиртли ичимликларни учратиш мумкин. Шампань виноси, Италия виноси, ёрлиғида 100 фоизи шарбат ичимлиги ўрнига мевали ичимликларни сохта товарларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Ўзбекистонда алкоголизмга қарши кураш борасида давлат, нодавлат ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорликда фаолият олиб бордилар. Айниқса, ҳукуматимиз томонидан “2007 – 2010 йилларга мўлжалланган наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига ва уларнинг истеъмолига қарши кураш” Давлат дастурининг қабул қилингани маҳалла, мактаб, касб-хунар коллежи, олий ўқув юртларида тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб боришда дастуриламал бўлиб хизмат қилди [5]. Дастурга асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан алкоголь маҳсулотларининг ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олиш, республикамиз ҳудудига ушбу иллатнинг кириб келиш йўллари тўсиш бўйича тезкор-профилактик тадбирлар ўтказиб келинди. Ўзбекистонда ичкиликка қарши кураш ойлигини ташкил этиш анъанага айланиб борди [6].

Алкогол маҳсулотларни назорат қилиш давлат комиссияси томонидан доимий асосда алкоголь моддаларни истеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича узоқ муддатли комплекс чора-тадбирлар дастурлари қабул қилинди. Мазкур дастурлар ижросини таъминлаш доирасида соҳанинг моддий-техник ва кадрлар салоҳияти мустаҳкамланди.

2011– 2015 йилларга мўлжалланган тегишли дастур доирасида ҳам кенг қўламли профилактика ишлари амалга оширилди [7]. 2015 йилда Ўзбекистон божхоначилари 3 минг литрдан ортиқ алкоголь маҳсулотларини олиб ўтилишига чек қўйилди. 2017 йилнинг 1 январидан эътиборан Ўзбекистонда алкогольли маҳсулотларнинг нархлари оширилди. Унга кўра: 1 литр ароқ ва бошқа алкоголь маҳсулотларининг нархи энг кам улгуржи-сотув нархи 12 900 сўм, энг кам чакана нархи 15 500 сўмни ташкил қилди. Унинг 2016 йилда улгуржи-сотув нархи 10500 сўм, кам чакана нархи эса 12600 сўм эди. Маълумот ўрнида, алкогольли маҳсулотларга энг кам нархлар 2010 йилнинг 1 январидан уларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва реализация қилинишининг олдини олиш устидан назоратни кучайтириш

мақсадида жорий этилди. Улар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун шаклланган минимал харажатлар, зарур рентабеллик даражаси ҳамда амалдаги ва мажбурий тўловлардан келиб чиққан ҳолда белгиланди [8].

2016 – 2020 йилларда алкоголь маҳсулотларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ бу даврда Ўзбекистонда алкоголь маҳсулотларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасида комплекс ишлар амалга оширилди. Ҳукуматнинг алкоголизмга қарши курашиш соҳасидаги саъй-ҳаракатлари алкоголь маҳсулотларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга, кўшни давлатлардан республикага алкоголь маҳсулотларни кириб келиши ва уларнинг транзит йўллари тўсишга қаратилди. Алкогол маҳсулотларининг айланишини тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва наркологик хизматларнинг тегишли бўлинмаларининг кадрлар салоҳиятини ошириш тадбирлари олиб борилди [9].

Хулоса. Хуллас, XX асрнинг охирида (1998–1999 йилларда) Ўзбекистонда ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш соҳасида сезиларли даражада маъмурий ва прокурорлик назорати тадбирлари амалга оширилган. Бироқ норматив-ҳуқуқий базанинг эскирганлиги, ҳудудий ички ишлар ва соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасидаги ҳамкорликнинг сустлиги ҳамда жойлардаги профилактик ишларнинг расмийлаштирилган учун юритилгани мазкур иллатларнинг олдини олиш самарадорлигини пасайтирган. Ушбу давр тажрибаси шуни кўрсатадики, ижтимоий касалликларга қарши курашда фақат жазо чоралари эмас, балки тизимли ижтимоий-профилактик ва ҳамкорлик механизмлари муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, –Тошкент., Ўзбекистон, –Б.43.
2. Алимбоев С. Фидойилик умуминсоний қадриятдир. Инсон ва қонун. 1999 йил 26 январ, № 4 (104).
3. Раҳмон Ғ. Ғелондаги ошкора қотиллик. Инсон ва қонун, 1999 йил 23 феврал, №8 (108)
4. Хасанов О.А. ва бошқ. Божхона экспертизаси: Дарслик. – Тошкент., «Фан ва технологиялар маркази», 2012, –Б.256.
5. Ашуров Ё. Иллатга қарши кураш // Mahalla, 2010 йил 25 февраль.
6. Тожиев С. Гиёҳвандлик йўлидаги мустаҳкам ғов // O'zbekistonda sog'liqni saqlash, 2014 йил 27 июнь

7. Информационный бюллетень о наркоситуации. Центральноазиатский регион. Information Bulletin on Drug related Situation. Central Asian region. – Ташкент., Издательство “Fan va texnologiya”, 2020, –Б. 59-72.